

2022 йил 14-ноябр

«Янги Ўзбекистоннинг Янги қасаба уюшмалари» мавзусида қасаба уюшма аъзолари, ходимлари ва фаоллари билан очиқ мулоқот



Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг 8-Қурултойи иштирокчиларига йўлаган табригида мустақил давлатимиз тарихида илк бора 11 ноябрни «Қасаба уюшмалари куни» этиб белгилаш таклифи билдирилгач, «Ўзбекистон қасаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган эди. Бу эса беш ярим миллиондан ортиқ аъзога эга бўлган қасаба уюшмалари ҳаётида унутилмас воқеа сифатида тарихга муҳрланиб қолди.

Жорий йилнинг 14 ноябрь куни «Ўзкимёсаноат» АЖ мажлислар залида «11 ноябрь — «Ўзбекистон касабա уюшмалари куни» муносабати билан Кимё ва фармацевтика саноати тармоғида меҳнат қилаётган ходимлар ва касабա уюшма фаоллари иштирокида ташкил этилган тадбирда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида касабա уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар, мазкур йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш хусусида очиқ мулоқот ўтказилди.

Тадбир давомида байрам муносабати билан Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этаётган, кимё ва фармацевтика тармоғи ходимларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда салмоқли ҳисса қўшаётган, касабա уюшмалари ҳаётида фаоллик кўрсатаётган касабա уюшма ходимлари ва фаоллари, меҳнат жамоалари ва ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳи Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касабա уюшмаси Республика Кенгашининг «Фахрий ёрлиғи» ҳамда «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятининг қимматбаҳо совҳалари билан тақдирландилар.



ON KASABA
JUNI



"O'zbekimiyosanoat" AJ
MATBUOT XIZMATI

[uzkimyosanoat](#)

[uzkimyosanoat.uz](#)

(+99878) 140-74-26



uzkiymosanoat



uzkiymosanoat.uz



(+99878) 140-74-26





MATSEVTIKA SANOATI XODIMLARI
JSHMASI RESPUBLIKA O'ZBEKISTON KENGASHI
– O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KASABA SHMALA...



[uzkimyosanoat](https://uzkimyosanoat.uz)

uzkimyosanoat.uz

(+99878) 140-74-26









source:

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yangi-uzbekistonning-yangi-kasaba-uyushmalari-mavzusida-ochiq-muloqot>